



## МЕДИАЦИЯ ЖАРАЁНИДА АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

Бабажанов Фаррух Қадамбоевич<sup>1</sup>, Ё.С.Садикова<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Хукукшунослик ва хукукий таълим кафедраси уқитувчиси  
,ю.ф.н.

<sup>2</sup> Самарқанд давлат университети, юридик факультети  
магистранти, Профессional медиатор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5730250>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-noyabr 2021

Ma'qullandi: 15- noyabr 2021

Chop etildi: 20- noyabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Медиация, адвокатура,  
медиатив келишув,  
медиатор, келишув  
битими, адвокат, низо,  
медиация жараёни,  
тарафлар, қарор.

### ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада медиация ҳақида тушунча унинг мазмуни, мақсади ва моҳияти, низоларни судгача ҳал қилишнинг муқобил усулларидан фойдаланишда медиациянинг самарадорлиги, иккала тараф учун ҳам мақбул қарорга келиш учун имкон бериши билан суд ишларини юритишга нисбатан самарали эканлиги, адвокат тушунчаси, медиация тартиб-таомилини амалга оширишда адвокатнинг иштироки, медиатор сафатида фаолиятини амалга ошириш афзалликлари, вакил сифатида иштирок қилишдаги вазифалари ҳақида сўз юритилган.

Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар хукуқий тизимида низони судгача олиб бормасдан, муқобил йўл билан ҳал қилишга қаратилган медиация – яраштирув жараёни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Юртимизда ҳам чинакам бозор механизмларининг амалга оширилиши соҳасини тартибга солувчи зарур хукуқий замин яратилишини талаб қилади.

Медиация тушунчаси, лотинча «mediare» сўзидан олинган бўлиб, «воситачилик қилиш» деган маънони англатади. Шу сабабли халқаро муомалада медиация «воситачилик», «яраштириш мақсадида аралашув» маъноларида қўлланади ва юридик адабиётларда медиация ва воситачилик тушунчалари бир хил маъно касб этади.

БМТ уставининг 33-моддасида медиация (воситачилик) низоларни ҳал этиш воситаси сифатида тан олинган. Шунингдек, Европа парламенти ва кенгашининг 2008 йилги 52-директивасида фуқаролик ва тижорат низоларида медиация тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: «тарафлар бошлаб берган ёки суд томонидан тайинланган ёхуд миллий қонунчилик билан белгиланганидан қатъи назар, икки ёки ундан ортиқ низолашувчи тарафларнинг низони ҳал этиш тўғрисида келишувга эришиш мақсадида учинчи шахсга мурожаат этиш жараёнидир»[1].

Давлатимизда ҳам мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламдаги иқтисодий ислохотлар натижасида хўжалик юритувчи



субъектлар ва тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини чуқур англаб етишлари, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасидаги дунёқарашларнинг тубдан ўзгараётганлиги, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг чуқурлашуви, иқтисодий қонунчиликнинг эркинлашуви ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқий асосларининг мустақамланиши суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишни янада жадаллаштиришни, хусусан, низоларни судгача ҳал қилишнинг муқобил усулларида фойдаланишни тақозо этмоқда.

Медиациянинг мақсади — низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг холислиги, махфийлик кабилар киради. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқдир.

Медиацияга нисбатан жамиятда вужудга келган эҳтиёж ўтган асрда янги касб — медиаторларнинг шаклланишига олиб келган. Медиаторлар далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча, уларнинг асосий вазифаси — тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, тарафлар учун мақбул шартларда муаммони ҳал этиш имкониятларини

излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Медиация — мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган конфиденциал жараён. У низолашаётган тарафларнинг ихтиёрига кўра танлаб олинган бетараф учинчи шахснинг воситачилигида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони ўзаро муроаса — ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Бетараф учинчи шахс — медиатор аслида судья ҳам, арбитр ҳам эмас ва вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ҳам қабул қилмайди. Ҳакамлик судидан у айнан шу жиҳати билан фарқ қилади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган муносабатлар жадал ривожланиб борар экан, субъектлар ўртасида турли низолар вужудга келиши муқаррар. Тарафлар низонинг ечимини топиш мақсадида анъанавий йўлни танлашга, яъни судга мурожаат қилишларига тўғри келади, аммо сўнгги пайтларда уларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари, хусусан, медиация жараёни тобора оммалашиб бораётганини таъкидлаб ўтиш керак.

Мамлакатимизда Тарафлар ўрталарида келиб чиққан низони ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сонли “Медиация тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг мақсади медиация соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.



Шу билан бирга, медиация жараёнининг самарадорлиги бевосита медиаторнинг малакасига, шунингдек низони ихтиёрий равишда ҳал қилиш учун томонларнинг тайёрлигига боғлиқ.

Шуни таъкидлаш керакки, медиация ҳуқуқшунослик, психология, социология фанларини бирлаштирган жараён дир. Шу ўринда савол туғилади, медиатор вазифасини ким самарали бажара олади – ҳуқуқшунос ёки психолог.

Хорижий амалиётда адвокатлар томонидан муваффақиятли қўлланиладиган кўплаб ярашув процедуралари мавжуд: махсус келишув шартномаси, воситачилик ва бошқалар [2]. Низоларни ихтиёрий ҳал этишнинг асосий тамойилларини мустаҳкамлаб, низоларни муқобил ҳал этиш турларини кенгайтириш ва аниқлаштириш орқали хорижий тажрибани ўрганиш зарур.

Медиаторнинг мақсади – низоларни судгача олиб бормасдан, суд жараёнида ҳам тузилиши мумкин бўлган томонларнинг ихтиёрий келишуви орқали манфаатлар мувозанатини сақлаш ва низони ҳал қилишни рағбатлантириш дир. Тарафларнинг ўзаро мақбул қарорга эришиш учун ихтиёрий розилиги асосида адвокатлар томонидан низоларни ҳал қилиш амалиёти қўлланилиб келинади. Бунга мисол тариқасида суд жараёнида тасдиқланган, тарафлар ўрталарида тузилган ўзаро келишув битимларини келтириш мумкин. Адвокатга бир ёнлама ёки суд вакилига қарамаслик керак. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (кейинчалик ФПК) 166-моддасига кўра, суд тарафларни яраштириш учун чоралар кўради, уларга фуқаролик суд

ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашади. “Тарафлар келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб, низони ўзаро талабларнинг тўлиқ ҳажмида ёки қисман ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибида юритиладиган ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув ёзма шаклда тузилади ва келишув битимини, медиатив келишувни тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади”[3]. Шундай қилиб, медиация жараёни (медиатив келишув) аслида унинг натижаси бўйича келишув битимига тенглаштирилади.

Тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, аризанинг кўрмасдан қолдириш асослари, тартиби ва оқибатлари ФПКнинг 122-моддаси 10<sup>3</sup>-бандига асосан Суд аризани кўрмасдан қолдиради ва ФПКнинг 123-моддаси иккинчи қисмига кўра, Суд ушбу Кодекс 122-моддасининг 1, 3, 4 ва 10<sup>3</sup>-бандларида назарда тутилган асослар бўйича аризани кўрмасдан қолдириб, ажримда давлат божини қайтариш ва даъвони таъминлаш юзасидан кўрилган чораларни бекор қилиш ҳақида кўрсатади.



Адвокат низони тезкор ва энг самарали усулда ҳал этишга, шу жумладан суддан ташқари тартибда ҳал этишга манфаатдор. Ҳуқуқий билимга эга бўлиб, у қонуний ва ижро этувчи келишувни ишлаб чиқишга, эришилган келишувларни тўғри шакллантиришга қодир.

Медиациянинг моҳияти музокараларда ўз аксини топади. Уларнинг муваффақият билан тугаши учун нафақат тарафларнинг келишмовчиликни енгишга интилиши ва иродаси, балки медиаторнинг қобилияти ва тажрибаси ҳам муҳимдир. Жамиятнинг медиацияга бўлган талаби шунга олиб келдики, натижада дунёда 30 йил олдин секин-аста янги касб – медиатор касби шакллана бошлади. Медиаторлар фаолияти вужудга келган муаммолар, келишмовчилик ва низоларни ҳал қилишга ёрдам беришга қаратилган. Медиатор далилларни ўрганмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, унинг асосий вазифаси – тарафлар орасида ўзаро тушунишни таъминлаш, ҳамма иштирокчилар учун мақбул бўлган шароитларда муаммони ҳал қилиш имкониятини амалга оширишни аниқлаш ва ёрдам бериш ҳисобланади. Медиатор вазият ва унинг орқасида турган тарафларнинг ҳиссиёт, манфаат, хоҳиш ва талаблари олдин айтилиши, кейин эшитилиши, ва ниҳоят, ҳамма иштирокчиларга тушунарли бўлиши учун мумкин бўлган ҳамма нарсани қилади. Фақат шундан кейингина медиаторнинг фаол иштироки билан далиллар қайта кўриб чиқилади ва биргаликдаги қарор яъни, барча тараф учун мақбул бўлган низонинг ечими

ишлаб чиқилади. Бу жараён нафақат низо ва унинг натижасида келиб чиқадиган салбий ҳиссиётларни енгишга имкон беради, балки келажакда ишонч асосида янги келишувларга эришишга ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасига кўра, Медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин[4].

Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга оширилиши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга оширилиши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини амалга оширувчи шахс ҳам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги қонунида адвокатга қуйидагича таъриф берилган “Олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон



Республикасида адвокат бўлиши мумкин[5].

Ушбу қонуннинг 3- моддасига асосан адвокатга медиатор сифатидаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Адвокат медиация жараёнида низолашаётган тарафларнинг вакили бўлиб қатнашиши ва медиатор сифатида медиаторлик вазифасини ҳам бажариши мумкин. Тарафларнинг вакили сифатида қатнашганда кириш нутқи билан нутқ сўзлайди ёки тарафларнинг тақдимотида ишончли шахсни қўллаб-қувватлайди, ишонч билдирувчига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар беради, медиация жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича ҳуқуқий саволларни аниқлаштиради, тегишли ҳужжатларни бошқа тараф билан келишиш учун тайёрлайди, медиатив келишув лойиҳасини ишлаб чиқади ёки уни тузишда тарафларга ёрдам беради.

Медиация жараёнини, унинг принципларини, қоидаларини ва низоларни ҳал қилишнинг бошқа усулларида фарқлашни биладиган ва тушунадиган адвокат медиацияда ижобий ва конструктив роль ўйнаши мумкин, бу ишни олдинга суриш, жараённинг мазмунли қисмини кузатиб бориш, томонларнинг мослашувчанлигига ёрдам беради.

Адвокат томонлар ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилини ҳурмат қилиши муҳим аҳамиятга эга, ҳар доим ҳуқуқий ҳолатига асосланган эмас, балки томонлар манфаатларини акс эттирадиган ва ҳар икки томонни ҳам қониктирадиган қарор қабул қилиш имконини беради.

Адвокатнинг касб этикаси қоидаларининг 2-бандида Адвокат қонун ҳужжатларига ва ушбу Қоидаларга қатъий риоя этиши шартлиги белгиланган бўлиб, 10-бандида Адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан бошқа ҳақ тўланадиган фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Мазкур қонуннинг 7-бандида эса адвокат касб этикаси қоидаларини бузганлик "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунига** ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жавобгарликка сабаб бўлади деб белгиланган[6].

Ваҳоланки Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги **Қонунига** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сонли **Қонунининг** 4-моддасига асосан қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган:

1) 3-модданинг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Адвокат қуйидагилардан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас:

илмий ва педагогик фаолият;

Ўзбекистон Республикаси

Адвокатлар палатасидаги (бундан буён матнда Адвокатлар палатаси деб юритилади) ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият;

патент вакили ва медиатор сифатидаги фаолият;

шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат



корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатидаги фаолият;

ҳакамлик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатидаги фаолият»[7].

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг II Конференциясининг 2013 йил 27 сентябрдаги қарорига 8-илоvasи Адвокатнинг касб этикаси қоидаларининг 10-бандига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, адвокат медиация орқали ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда иштирок этиши мумкин, бу эса келишмовчиликлардан бирининг вакили сифатида медиацияни тайёрлаш ва амалга оширишда ёки томонларни ярашишда ва низони ҳал қилиш бўйича келишувга эришишда ёрдам берадиган мустақил, холис воситачи (медиатор) сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда адвокат сифатида воситачилик ролини бажариш адвокатлик фаолиятининг жуда истиқболли мустақил тури бўлиши мумкин.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Директива 2008/52/ес европейского парламента и совета от 21 мая 2008 г относительно некоторых аспектов медиации в гражданских и коммерческих делах. [https://mediacia.com>Directive\\_2008\\_rus](https://mediacia.com>Directive_2008_rus)
2. Понасюк А.М. Участие адвоката в урегулировании юридических споров посредством медиации // Диссертационные исследования проблем адвокатуры и адвокатской деятельности: сборник материалов. М.: Юрлитинформ, 2012.
3. 2018 йил 22 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Процессуал Кодекси //URL: <https://lex.uz/docs/3517337>
4. 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни //URL: <https://lex.uz/docs/3805227>
5. 1996 йил 27 декабрдаги 349-I-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни //URL: <https://lex.uz/docs/29626>
6. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг II Конференциясининг 2013 йил 27 сентябрдаги қарорига 8-илоvasи Адвокатнинг касб этикаси қоидалари [https://nrm.uz/contentf?doc=549533\\_advokatning\\_kasb\\_etikasi\\_qoidalari\\_\(o%E2%80%98advokatlar\\_palatasining\\_ii\\_konferenciyasining\\_27\\_09\\_2013\\_y\\_qaroriga\\_8-ilovala\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=549533_advokatning_kasb_etikasi_qoidalari_(o%E2%80%98advokatlar_palatasining_ii_konferenciyasining_27_09_2013_y_qaroriga_8-ilovala)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana) (06.11.2021)
7. 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни //URL: <https://lex.uz/docs/3977632>